

- интересно, грамотно, разносторонне и образно рассказывать детям о музыке, дополняя рассказ иллюстрацией музыкальных произведений;

- определять основные черты того или иного музыкального стиля, направления, течения;

- определять основные черты стиля данного композитора в его связях с эпохой;

- свободно анализировать произведения, выявляя закономерности образного содержания и его воплощение во всём комплексе формообразующих и выразительных средств;

- выявлять в произведении узловые моменты музыкальной драматургии.

Среди навыков и умений, связанных с курсом гармонии выделяются следующие:

- определять ладофункциональное развитие музыкального произведения: тональный план, структуру и функции аккордов, типы отклонений и модуляций, каденций;

- различать типы фактуры в музыкальных произведениях;

- подбирать аккомпанемент к заданным мелодиям;

- свободно транспонировать;

- уметь подбирать необходимую музыку.

С курсом сольфеджио связаны следующие умения и навыки:

- слышать структуру аккорда, его расположение;

- чисто интонировать мелодию;

- удерживать слухом тональность;

- читать ноты с листа и транспонировать.

Из курса полифонии учитель должен знать:

- основные закономерности многоголосия;

- эволюцию полифонического многоголосия от XV – XVI вв. /полифония строгого стиля/ к XVIII в. /полифония свободного стиля/, а также принципы развития современной полифонии;

- особенности русского народного многоголосия.

Курс анализа музыкальных произведений даёт учителю следующие навыки и умения:

Литература

1. Каримов И.А. Юсак маънавият энгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008.

2. Шарипова Г. Мусика фанини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. -Т.: 2009.

3. Янов-Яновская Н. «Говорят музыканты Узбекистана: двадцать лет спустя. Музыкальная академия. -Ташкент: 2004, №1. - С.69.

РЕЗЮМЕ
Мақолада мусика ўқитувчисининг касбий таёргарлиги масалаларига бағишланган. Мусика ўқитувчининг назарий тайёргалиги мусика санъати сирларини чуқур тушунишга, мусика тарихи ва назариясини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, қонуниятларини туғри англашга ёрдам беради. Ўқитувчининг мусикий тайёргарлиги болаларда мусика қобилятини ўстиришга имконият яратиши мақолада қайд этилган.

РЕЗЮМЕ
Статья посвящается вопросам профессиональной подготовки учителя музыки. Теоретическая подготовка позволяет учителю музыки глубже понимать явление музыкального искусства, основные закономерности истории и теории музыки в их взаимосвязи. Рассматриваются профессиональные навыки учителей направленные на развитие музыкальных способностей детей на уроках музыки.

SUMMARY
The article is devoted to the issues of professional training of teachers in Music. Theoretical preparation let the teacher in Music understand the concepts of musical art, main regularities of history and theory of music in their inter relation.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ТАЛАБАЛАРНИНГ ТУРИСТИК МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Д.Ш.Нафасов - докторант

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: туризм, туристик маданият, маданий мерос, ички туризм, жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши.

Ключевые слова: туризм, туристическая культура, культурное наследие, внутренний туризм, Совет путешествия по миру и туризм.

Key words: tourism, tourist culture, cultural heritage, domestic tourism, World travel and tourism council.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ хизматлар кўрсатиш соҳасидаги туризм хизматлари замонавий хизмат турлари сифатида талқин қилиниб, унга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соҳа ривожини учун зарурий ташкилий - ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилиб, ҳуқуқат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам давом

- ориентироваться в исторических особенностях формы, стиля, жанра при целостном анализе музыкальных произведений;

- комплексно воспринимать форму, фактуру, гармонию произведения;

- логически осмысливать каждую музыкальную форму в процессе изучения и исполнения музыкальных произведений.

Каждый урок музыки должен носить на себе печать неповторимой личности учителя. Творчески подойти к уроку – значит выявить и до конца раскрыть своё собственное отношение к музыке столь же ярко и убеждённо, как это делает композитор, исполнитель. Учитель организует соответствующую деятельность детей, способствует тому, чтобы музыка дошла до сознания каждого ребёнка. Знание каждого данного класса, умение преподнести музыкальное произведение так, чтобы ребята были предельно увлечены музыкой, пробуждение в них эмоциональной отзывчивости, активности в процессе исполнения, слушания музыки, размышлений о ней – в этом заключается мастерство учителя.

Б.М.Теплов утверждал следующее: «Мы не имеем таких знаний, которые позволили бы давать отрицательный диагноз о музыкальности ребёнка до начала систематического и квалифицированного музыкального воспитания и обучения».

В процессе использования музыкальных технологий на уроке музыки дети узнают, постигают, осваивают закономерности языка, учатся осознавать и воспроизводить музыку. Всё это расширяет кругозор учащихся, раздвигает горизонты исполнительской деятельности, даёт возможность значительно повысить уровень исполнительских навыков, развивать музыкальные способности детей.

Все музыкальные технологии помогают формировать навыки активного восприятия музыки, обогащают музыкальный опыт детей, прививают им знания, что в целом является важной предпосылкой обогащения музыкальной культуры школьников.

этаётгани фикримизнинг исботидир. Шу туфайли «Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши» (WTTC - World Travel and Tourism Council) нинг кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон Республикаси 2013 йилда туризм соҳасида энг тез ривожланаётган бешта мамлакатлар қаторига кўшилди [3].

«Туризм содда қилиб айтганда, дунёни тушуниш, дунёни англаш, шу билан бирга дунё саҳнига чиқиш

демакдир. Биз ана шу муҳим соҳани ривожлантиришимиз, унинг кенг имкониятларидан фойдаланишимиз керак...» деган эди И.А.Каримов [1:92].

Бугунги кунда туризм соҳаси мамлакатлар ва минтақалар иқтисодийтини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этишини ва у XXI аср жаҳон ҳўжалигининг устувор тармоқларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарур манбаларга эга. Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ватанимиз қулай табиий-иклим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айна пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бой маънавий-маданий меросга, турли-туман тарихий-археологик объектларга, қулай табиий-иклим шароитига ва кўп тармоқли ижтимоий инфратузилмага эга бўлиб, бу эса туризмнинг турли шакллари илдам ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратди.

Қисқа вақт ичида республикада туристик соҳани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, улар ўз навбатида туризм соҳасидаги янги давлат сиёсатига асос бўлди, туризм соҳасидаги субъектларга аҳамиятли тарзда солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликларини берди. Шу билан бир қаторда, соҳада бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги, шу жумладан, хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари секин олиб борилаётганлиги, улар учун электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, бой ички ва зиёрат туризмлари салоҳиятидан суи фойдаланилганлиги, инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар секин жалб этилаётганлиги сабабли туризм инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари етарлича татбиқ этилмаётганлиги соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истикболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилишида "...Туризм – иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, вшбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур. бни давлатнинг ўзи такозо этмоқда", деган эди. Шунингдек, ёшларимиз келажаги ҳақида "...Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз", деган эди [2:14].

Мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган, туристик соҳаларда юксак маданиятли кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди.

Ушбу глобал вазифаларнинг ҳал қилинишида ҳар бир шахснинг ижодий шаклланиши жараёни ўта муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида" ги фармонида "Таълим

тизимида инновацияларни, шу жумладан, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга қўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш" вазифалари белгилаб қўйилган.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Самарқанд иқтисодий ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорига асосан Самарқанд иқтисодий ва сервис институтида туризмнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш белгиланди.

Ҳозирги пайтда ушбу ўқув даргоҳида «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)», «Меҳмонхона ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «Туризм (фаолият турлари бўйича)», «Туризм ва меҳмонхона ҳўжалиги сервиси», «Маркетинг (туризм)», «Менежмент (туризм)», «Туризм маркетинги», «Туризм менежменти», «Туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш», «Сервис (туризм ва меҳмонхона ҳўжалиги)» таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу борада туризм соҳасидаги олий ўқув юрлари, Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастуридаги ихтисослик фанлар блокида турган «Туризм асослари» фани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда давлат таълим сиёсатининг асосий максадлари қаторида олий таълимда талабаларнинг туристик маданиятини такомиллаштириш, ҳар томонлама ривожланган баркамол инсон қилиб тарбиялаш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида республикамизда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги «2018 – 2019 - йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора - тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ – 3217 - сон қарори, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт - шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора - тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5326-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ4947 – сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ – 2909 - сонли қарори, «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3151- сонли қарори, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий - маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» ги ПҚ - 3160 – сонли қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳудудларни барқарор ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида қабул қилинган 2017 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш

чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари қабул қилинди [4].

Фармон қабул қилиниши билан республикада «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» номи остида мамлакат бўйлаб таништирув саёҳатлари ва турларини ташкиллаштиришнинг кенг миқёсли дастури ишга туширилди, унинг доирасида бир миллионга яқин фуқароларимиз, шу жумладан ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ишчилар, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламлари ҳам мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўладилар. Ушбу дастур асосида олий таълим талабалари билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Бу эса ўз навбатида талабалар туристик маданиянинг ривожига олиб келади.

Фармонда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ички ва зиёрат туризмларини жадал ривожлантириш ва уларнинг бой салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш учун янада қулай шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора - тадбирлар тўғрисида» ги Фармонида Исроил давлати, Индонезия Республикаси,

Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Европа иттифоқи, Шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларининг, ҳамда Ҳиндистон Республикаси, Канада, Янги Зеландия, Америка Қўшма Штатлари каби 39 та мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг 2018 йил 10 февралдан эътиборан соддалаштирилган тартиби қиртилди.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришга доир олиб борилаётган барча ислохотлар олий таълим тизими талабаларининг туристик маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 285-б.
2. Мирзиёев Ш.М.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. 56-б.
3. <http://www.economics.uzreport.uz>.
4. <http://www.LEX.UZ>. Ўзбекистон қонунчилиги.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, туризмни ривожлантиришга оид қонунлар, қарорлар, Президент фармонлари олий таълим талабаларининг туристик маданиятини такомиллаштиришнинг бош омили эканлиги ёритиб берилган

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются текущие реформы в области туризма, и говорится о том, что законы о туризме, Постановления, указы Президента Республики Узбекистан являются важными документами в совершенствовании туристической культуры студентов высших учебных заведений.

SUMMARY

The article is devoted to the description of current reforms in the field of tourism, it is stated that tourism laws, Decrees and Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan are important documents in improving the tourist culture of students at higher educational establishments.

LABVIEW DASTURI ASOSIDA VIRTUAL LABORATORIYA YARATISH TEXNOLOGIYASI

N.Orinbetov- katta o'qituvchi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: elektron vositalar, texnologik jarayonlar, laboratoriya stendlari, grafik natijalar, blok-sxema, indikator terminallari, boshqarish elementlari, interfeysli panel, virtual laboratoriya, struktura, ikonka yoki terminal, o'lchov vositalari.

Ключевые слова: электронные инструменты, технологические процессы, лабораторные стенды, графические результаты, блок-схемы, индикаторные терминалы, элементы управления, панель интерфейса, виртуальная лаборатория, структура, значок или терминал, измерительные приборы.

Key words: electronic instruments, technological processes, laboratory stands, graphic results, block diagrams, indicator terminals, control elements, interface panel, virtual lab, structure, icon or terminal, measuring instruments.

O'quv muassasalarida elektron vositalar yordamida o'qitish avj olib bormoqda. Elektron vositalarni yaratishda yangi axborot texnologiyalaridan foydalaniladi. Laboratoriya amaliyotlarini ishlab chiqishdagi ilmiy va texnik targ'ibot ishlari virtual qurilmalar texnologiyasida keng qo'llaniladi.

Murakkab texnik ob'ektlarni o'rganishda, dasturlash modellarini va laboratoriya o'lchov uskunalarini yaratishda, texnik ob'ektlarni hisoblashda laboratoriya amaliyotlaridan foydalaniladi.

Laboratoriya qurilmalaridan foydalanib ob'ektlarni o'rganish ba'zida qiyinchilik tug'diradi. Bunday laboratoriya ishlarni o'tkazishda ikkita bosqich amalga oshiriladi. Avvalo, dasturiy modellarni o'rganib, so'ngra real holatlarga asosan yechiladi.

Virtual qurilmalar asosini kompyuter dasturlari, foydalanuvchi grafik interfeysi va modellashtirishdagi o'lchov

vositalari tashkil qiladi. Bunday dasturlarni yaratishda grafik dasturlash vositalari sirasiga kiruvchi LabVIEW dasturidan foydalaniladi.

Dasturlash tilini o'rganish va boshqarish algoritmlarini yaratish orqali laboratoriya-amaliy mashg'ulotlarida sanoat avtomatlashtirish masalalarini yechish talab etiladi.

O'quv laboratoriya uskunalarining rivojlanish shakllari quyidagilarga bo'linadi:

o'quv trenajorlari, o'quv laboratoriya stendlari va o'quv-uslubiy komplekslari.

O'quv trenajorlari - operatorlarni o'qitishga mo'ljallangan o'quv laboratoriya jihozlari hisoblanadi. O'quv trenajorlari quyidagi turlarga bo'linadi:

• Manipulyatsion trenajorlar-barcha tashqi ta'sirlar va nazorat omillariga javob tariqasida fizik holatlardagi koordinatsiya va aktivatsiyalar;

• Diagnostik trenajorlar -qurilmalardagi kamchiliklarni